

## Аллоҳ ухламайди



08:02 / 04.07.2020 4095

Бир киши бир бегона аёлга кўнгил қўйди. Ўша аёл бир кеча ўз эҳтиёжи учун бир жойга кетган эди, эркак унинг ортидан эргашди. Иккиси холи жойга борганда эркак аёлга фахш ишни таклиф қилди. Аёл унга: «Қара-чи, ҳаммаси ухляптимикин?» деди. Ҳалиги киши аёл зинога рози бўлди деб ўйлаб, ташқарига чиқди, одамлар яшайдиган жойларни айланиб чиқди. Ҳамма ухлаётганини кўриб, хурсанд бўлиб, ортига қайтди. Келиб, аёлга ҳамма ухлаётганини айтди. Аёл: «Аллоҳ табарока ва таоло-чи? У Зот ҳам ухляптими?» деди. Киши: «Аллоҳ таоло ухламайди, Уни мудроқ ҳам тутмайди», деди. Аёл: «Ҳа, Аллоҳ ухламаган ва ҳеч қачон ухламайди ҳам. Унинг яратган махлуқотлари бизни кўрмаса ҳам, Унинг Ўзи бизни кўриб туради. Мана шундан кўрқиш керак», деди. Эркак бу сўзлардан ларзага тушиб, аёлдан узоқлашди. Қилган иши учун Аллоҳ таолодан кўрқиб, астойдил тавба қилди. У вафот этгач, бир киши уни тушида кўриб, «Аллоҳ

таоло сенга қандай муомалада бўлди?» деб сўради. У: «Ундан қўрқиб, тавба қилганим учун гуноҳимни кечирди», деди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**